

“XALQ SUG‘URTA” AJ
Ягона акциядорининг
2024 йил 31 октябрдаги
03/2024-сонли қарорига
илова

**“XALQ SUG‘URTA”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ
(янги таҳрир)**

Тошкент – 2024

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “XALQ SUG‘URTA” акциядорлик жамияти устави (бундан буён матнда – Устав деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “XALQ SUG‘URTA” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда – Жамият деб юритилади) 2011 йил 16 майда Яккасарой туман давлат хизматлари маркази томонидан 94-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган “XALQ SUG‘URTA” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги суғурта компаниясини ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзгартириш (қайта тузиш) йўли қайта ташкил этилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда мазкур Уставга асосан амалга оширади.

1.4. Жамиятнинг тўлик фирма номи:

Давлат тилида:

лотин ёзувида: “XALQ SUG‘URTA” aksiyadorlik jamiyati;

Кирилл ёзувида: “XALQ SUG‘URTA” акциядорлик жамияти;

Рус тилида: Акционерное общество «XALQ SUG‘URTA»;

Инглиз тилида: “XALQ SUG‘URTA” Joint-Stock Company.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Давлат тилида:

лотин ёзувида: “XALQ SUG‘URTA” AJ;

Кирилл ёзувида: “XALQ SUG‘URTA” АЖ;

Рус тилида: АО «XALQ SUG‘URTA»;

Инглиз тилида: “XALQ SUG‘URTA” JSC.

1.5. Жамиятнинг манзили:

жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13-А-уй;

почта манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, 13-А-уй.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@xalqsugurta.uz

1.7. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.xalqsugurta.uz

II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида алоҳида мол-мулкка, ўзининг устав капиталига эга бўлиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлади. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига эга бўлади.

2.6. Жамият ўз филиаллари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлади.

2.7. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.8. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар, шўъба корхоналари очишга ҳақли. Филиал Жамиятнинг Жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.11. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишга ёки уларнинг устав капиталида амалдаги қонунчилик талабларида белгиланган бошқача тарзда иштирок этишга ҳақли.

2.12. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ

3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг йўналиши суғурта бозори профессионал иштирокчиси сифатида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдан иборат.

3.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг молиявий, тадбиркорлик, хўжалик ва бошқа таваккалчиликларни суғурта қилиш соҳасида суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилган. Бундан ташқари Жамият иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлайди, Ўзбекистон суғурта бозорида юқори сифатли хизматлар кўрсатади, қўшимча иш ўринларини яратади, меҳнат жамоаси аъзолари ва Жамиятнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий манфаатларини инобатга олади.

3.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мижозларга суғурта соҳасида хизматлар кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турларини, қайта суғурта операцияларини амалга ошириш, маҳаллий ва хорижий юридик ҳамда жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш;
- маҳаллий ҳамда хорижий давлат ва хусусий суғурта ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта тўловлари миқдорини белгилаш, корхона, ташкилот ва жисмоний шахсларга суғурта қопламаларини тўловини амалга ошириш;
- маҳаллий ҳудудларда суғурта қилдирувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берувчи янги суғурта турларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш;
- суғурта объектларининг нобуд бўлиши ёки зарарланишини олдини олувчи тадбирларни амалга ошириш;
- биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини маҳаллий валютада, шунингдек чет эл валютасида қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда амалга ошириш;
- суғурта масалаларида маслаҳат бериш, суғурта фаолиятини реклама қилиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид келмайдиган шартлар билан Жамиятнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган заҳира ва бошқа фондларни шакллантириш, шунингдек улардан ўз ўрнида фойдаланиш;
- республика вазирлик ва идоралари, давлат ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, бу алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда суғурта фаолиятини юритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғуртанинг мажбурий турларини амалга ошириш.

3.4. Жамият қуйидаги:

- олинган лицензияга мувофиқ суғурта фаолиятини амалга оширади;
- асосий ва инвестицион фаолиятларнинг актуар текширувдан ўтказилишини қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этади;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтади;
- суғурта қопламаси, суғурта пулини тўлайди;

- суғурта ҳодисаларини келиб чиқиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

- амалдаги қонунчиликка асосан инвестиция фаолиятини амалга оширади.

3.5. Жамият қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолиятларни ҳам амалга оширишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамиятнинг устав капитали миқдори 80 000 000 000 (саксон миллиард) сўмни ташкил қилади. Ушбу сумма номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 80 000 000 (саксон миллион) дона эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинади.

4.3. Жамиятнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Қўшимча акциялар фақат Жамият Уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида, жамият чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган (қўшимча) акциялар суммаси 70 000 000 000 (етмиш миллиард) сўм бўлган, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 70 000 000 (етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат.

4.6. Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.7. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш орқали камайтирилиши мумкин.

4.8. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

4.9. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамиятнинг акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

5.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.3. Акциядорлар томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

5.4. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни қонунда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

5.5. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамиятнинг Устав қоидаларига риоя қилиш, Уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулда хисса қўшиш (акция ҳақини тўлаш);
- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни сир сақлаш;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида Жамиятни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиш.

5.6. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

6.1. Жамият ўзининг оддий акцияларини, шунингдек имтиёзли акцияларини чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг ҳисоби ҳужжатсиз шаклда юритилади.

6.2. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

VII. ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

7.3. Дивидендлар акциядорларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.7. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда, дивиденднинг миқдори, дивидендни тўлаш шакли ва тартиби ҳамда уни тўлаш муддати, яъни тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.8. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.9. Жамият томонидан акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорнинг дивидендларни олишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.10. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.11. Жамият:

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса дивидендлар тўлашга ҳақли эмас;

- соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас;

- ушбу кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.12. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ СУҒУРТА ЗАҲИРАЛАРИ, ЗАҲИРА ФОНДИ

8.1. Жамиятнинг суғурта заҳиралари тузилган суғурта шартномалари бўйича олинган суғурта мукофотларидан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида ҳосил қилинади.

8.2. Жамият соф фойда ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда заҳира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

8.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг заҳира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш ва акциялар (имтиёзли акциялар) бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира фонди шакллантирилади. Заҳира фонди белгиланган миқдорга етгунига қадар Жамият ҳар йили соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда ажратмалар ўтказди.

8.5. Заҳира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланган ҳолларда, соф фойдадан мажбурий ажратмалар ҳисобига тикланади.

8.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорига кўра қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа заҳира фондларни шакллантириши мумкин.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар:

Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши;

Жамият Кузатув кенгаши;

Жамият Ижроия органи (Бош директор).

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши амалдаги қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда белгиланган тартибда ўтказилади.

10.3. Жамият акциядорлари томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритиладиган масалалар бўйича қарорлар яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма равишда расмийлаштирилади.

10.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига Жамият фаолиятига тааллуқли масалаларни киритиши шарт.

10.5. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг йиллик муҳокамаси молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10.6. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши навбатдаги (йиллик) муҳокамасида қуйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини сайлаш;

- Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаларини эшитиш.

10.7. Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

10.8. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Жамият томонидан йирик битимлар, яъни бунда баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.10. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарор қабул қилиш тартиби “Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Жамият акциядорлари умумий йиғилиши мутлоқ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

11.2. Жамият кузатув кенгаши аъзолари сони камида 5 (беш) кишидан иборат бўлиб, улар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

11.3. Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

11.4. Жамият ижроия органи, ходимлари, Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

11.5. Жамият кузатув кенгаши ваколатлари:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- белгиланган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва унинг низомини тасдиқлаш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нарҳини белгилаш;

- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- Жамият ижроия органи (Бош директор) тавсияси асосида унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш (сайлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатида аввал тугатиш;

- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларини ташкил этиш;
- Қонунда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг миқдорларини белгилаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.6. Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.7. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

11.8. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.9. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини назорат қилади.

11.10. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.11. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси:

- Кузатув кенгаши раисининг;
- Кузатув кенгаши аъзосининг;
- Тафтиш комиссияси ёки ички аудит хизматининг;
- Ижроия органининг ташаббусига кўра чақирилиши мумкин.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги лозим. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

11.14. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув

кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.15. Мажлисида кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

11.16. Баланс қиймати ёки олдин қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан – эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чикиб кетган аъзоларининг овози инобатга олинмайди.

11.17. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисида ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

11.18. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.19. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.20. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Жамият акциядорлари умумий йиғилишига масала киритиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.21. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Жамият акциядорларининг қарорида белгиланади.

11.22. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.23. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядори олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.24. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув

кенгаши аъзолари етказилган зарар юзасидан жавобгар бўлмайди.

11.25. Жамиятнинг штатлар жадвали бўйича ходимлар сонини белгилаш;

11.26. Кузатув кенгаши ушбу Устав ва Жамият акциядорлари томонидан тасдикланадиган “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”и Низом асосида иш олиб боради.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамиятнинг уставида белгиланган Жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи ҳисобланган Бош директор (Бундан буён матнда – Бош директор деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Бош директор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан номуайян муддатга тайинланади.

12.2. Жамият ва Бош директор ўртасидаги меҳнат шартномаси акциядорларнинг умумий йиғилишидаги раислик қилувчи ёки умумий йиғилишнинг қарори билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади.

12.3. Бош директор акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

12.4. Бош директор:

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди;

- Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

- ходимларга учинчи шахслар олдида Жамият номидан вакиллик қилиш учун ёзма ваколат (ишончнома) беради, банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисоблар очади;

- Жамият Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда ходимлар штатларини, иш ҳақи, мукофотлар ва рағбатлантиришлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш тартибини тасдиқлайди;

- Жамиятнинг ички ҳужжатларини ҳамда ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлайди;

- Жамият номидан шартнома ва битимлар тузади, шу жумладан Жамият ички ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимлар билан қарз шартномаларини тузади;

- ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ёки бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб турилишини таъминлайди;

- Жамиятнинг штатлар жадвалидаги ходимлар сонига ўзгартириш киритмаган ҳолда жорий тузилмага ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни

эълон қилади;

- Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлардан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича ишчи гуруҳлари ёки комиссиялари ташкил этади;

- суғурта қоидаларини ва Жамият фаолиятини амалга оширишга доир ички ҳужжатларни тасдиқлайди ёки бекор қилади;

- қонунчилик ва ушбу Устав билан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

12.5. Бош директор ушбу Уставга ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низомга мувофиқ иш олиб боради.

ХІІІ. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

13.2. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

13.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Бош директор Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

13.4. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.5. Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

13.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади ва бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.7. Тафтиш комиссиясининг ҳулосаси мазмунига қўшимча талаблар Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

13.8. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдикланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

13.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ҳодимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

13.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга, Ушбу Уставга ҳамда Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Жамиятнинг Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширади.

XIV. ЖАМИЯТ ФИЛИАЛЛАРИ

14.1. Жамиятнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги филиалларига Бош директор томонидан тайинланадиган директорлар раҳбарлик қиладилар.

14.2. Филиал директорлари Жамият номидан Бош директор томонидан берилган ишончнома асосида иш фаолиятини юритадилар.

14.3. Филиаллар Жамият кузатув кенгаши тасдиқлаган “Жамият филиаллари тўғрисида”ги Низом асосида фаолият юритади. Шунингдек думалок муҳрига, штампига, банкларда Жамиятга тегишли иккиламчи банк ва валюта ҳисобварақларига эга бўлади.

14.5. Жамият филиали:

- Бош директор белгилаган лимитлар доирасида суғурта турлари бўйича операцияларини амалга оширади;

- Бош директор томонидан юклатилган вазифа ва функцияларни бажаради;

- Жамият Бош директори томонидан ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик ўрнатилган режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлайди.

14.6. Жамият ўзи ташкил қилган таркибий тузилмаларни мол-мулк билан таъминлайди.

XV. МОЛИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

15.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳужжатларига мувофиқ ва белгиланган тартибда ўз фаолияти бухгалтерия ҳисоб-китобини ҳамда стратегик ҳисоботни юритади ва молиявий ҳисобот такдим этади.

15.2. Жамият учун молия йили 1 январдан 31 декабргача белгиланади.

15.3. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга такдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида такдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

15.4. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига такдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ТУГАТИШ ТАРТИБИ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (қўшиб олиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш) Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

16.2. Жамиятни тугатиш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори асосида, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқӣ ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Мазкур Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ҳал этилади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда улар суд томонидан ҳал этилади.

17.3. Мазкур Устав ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради.

“XALQ SUG‘URTA” АЖ
Бош директори



С.К. Мамасолиев